




2023 yil — Insonga e'tibor va sifatli ta'lim yili



ШОҲ ВА САРКАРДА ШОИР

Улуғ ўзбек шоири, саркарда, олим, йирик давлат арбоби, тарихчи, бобурийлар сулоласининг асосчиси, буюк Амир Темурнинг бешинчи авлоди Заҳриддин Муҳаммад Бобур 1483 йилнинг 14-февралда Фарғона ҳукмдори Умаршайхнинг оиласида-Андижонда туғилган. 12 ёшида отасидан айрилган ва 1494 йилда тахтга чиқди. 1503-1504 йил-

ларда Афғонистонни эгаллади. 1519-1525 йилларда Ҳиндистонга беш марта юриш қилади. Уч асрдан ортиқ давом этган (1526-1858) бобурийлар салтанатига асос солди... Заҳриддин Муҳаммад Бобур 1530 йилнинг 26-декабрида Аграда вафот этди ва васиятига кўра қабри кейинчалик Қобулга кўчирилган.

СУВ – БЕБАҲО НЕЪМАТ!

Жаҳон оммавий ахборот воситаларининг эътироф этишича, дунё аҳолисининг 2 млрд.дан зиёд қисми ичимлик сувига доимий муҳтожликда кун кечириши аниқланган. XXI-юз йиллик ичида сайёра аҳолиси бор йўғи 3 бараварга ошганда, ичимлик суви истеъмоли 7 баробарга ошганлиги ва бунинг баробарида Бирлашган миллатлар ташкилоти маълумотларига кўра, ер юзи аҳолисининг 47 фоизи сув танқислигини ҳис қилиб яшаётганлиги кўрсатилган. Ер шарида иқлимнинг кескин ўзгариши вилотимизда иқтисодиёт тармоқларининг жадал ривожланиши, аҳоли сонининг ошиб бориши билан бир қаторда сувга бўлган талаб ҳам кундан кунга ўсиб бормоқда.

Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида 2022 йил 22 июль куни «ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тўғрисида»ги ЎРҚ-784-сонли қонуни қабул қилинди. Ушбу қонуннинг қабул қилинганлиги ичимлик суви ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича аҳолига кўрсатиладиган хизматларни янада тартибга солиш йўлидаги катта қадам бўлди, дейиш мумкин. Қонунга кўра аввалдан мавжуд камчиликлар бартараф этилиши билан биргаликда янги тартиб ва тамойиллар белгилаб қўйилди. Яъни, таъминотчи корхоналар ҳамда истеъмолчилар орасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар, уларнинг жавобгарлиги

Ҳарбий хизматчиларга мардлик, жасорат, юрт соғинчидаги шеърятини интеллектуал қалб изҳоридек бўлганлиги учун ҳам ардоқлидир.

400 дан ортиқ шеърлари бўлган Бобуршоҳнинг рубоий жанрини юксакликка олиб чиққанини ҳам биламан ва айтмоқ жоизким, тарбия, одоб-ахлоқ доирасидаги ғазал, туюқ, рубоийлар ёд олмоқликка-да осон, ўқилиши-чиройли.

Ёд этмас эмиш кишини меҳнатга киши,
Шод этмас эмиш кўнгуни гурбатга киши,
Кўнгулм бу ғарибликда шод ўлмади, ох,
Гурбатга севунмас эмиш, албатта, киши.

Жаваҳарлал Неру, Маҳатма Ганди каби ҳинд давлат арбоблари ва олимлари Бобур билан Бобурийлар нафақат Ҳиндистон учун, балки тараққий этган дунёи дун тарихида ҳам катта аҳамиятга эга эканлигини эътироф этиб ўтганлигидан гурурланасан, киши.

Инглиз олими Валдемар Хансен 1986 йил Деҳлида чоп этилган «Товус тож ёки мўғуллар салтанати қисмати» китобида бобурийлар сулоласининг 332 йиллик фаолиятига юксак баҳо берган: «Ҳиндистон ва унинг 8000 йиллик тарихи бамисоли бир товус бўлса, ўша кўп йиллик тарихдаги бобурийлар сулоласининг 332 йиллик ҳукмронлик даври ана шу товуснинг гултожисидир».

Шундай экан, саркардалик санъати билан қалбимизга, тафаккуримизга бўйлаган Бобур Мирзонинг шеърятини кўнглимизда азиз.

Салоҳиддин РАҲИМОВ,
ЖҒМҲО, ЖОҚ 49543 ҳарбий қисм командири, майор
Сурайё ТУҒЁН

ИККИ БУЮК ЁДИ

ЖҒМҲО ЖОҚ 49543-ҳарбий қисмда икки буюк-мутафаккир, ғазал мулкининг султони Мир Алишер Навоий ва шоҳ-шоир Заҳриддин Муҳаммад Бобур таваллудли муносабати билан «Олис юлдуз-шула таратар» шиори остида, Сariosiё туман АКМ ходимлари Х.Ахмедова, М.Меликова, С.Дўсатова, Д.Сағинова, Ў.Облоқлоевлар ҳамкорлигида ҳарбий хизматчилар учун тадбир ўтказилди.

Ҳарбий хизматчилар Навоий ва Бобур ғазаларидан, рубоийларидан намуналар ўқидилар.

–Айниқса, ҳарбий хизматчи Рустам Абдуламитов ёд айтган Навоий ғазаллари барчани завқлантирди, илҳомлантирди.



Бугунги тадбиримизнинг голиби, деб топилган ҳарбий хизматчи Рустам бахши Абдуламитов ўз ижодидан ҳам намуналар ижро этди, дейди, ку-

тубхона мудираси З.Муҳаммадиева.

Тадбир АКМда ҳам давомилик касб этди. Унда аскарлар шоҳ ва саркарда Бобур

ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИДАН УЙДАН ЧИҚМАЙ ФОЙДАЛАНИНГ!

Инсон ҳаёти давомида ҳар бир қадамида, жамиятнинг у ёки бу соҳасидаги ҳар бир ҳаракати билан давлат органларига мурожаат этишига тўғри келади. «Давлат — фуқаро» алоқаларининг шаффоқлигини таъминлаш учун, давлатимиз раҳбари 2017 йил Олий Мажлиси Мурожаатнома-сида давлат хизматлари тизимининг янги концепциясини илгари сурди.

Юртимизда давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини тубдан ислоҳ этиш сари дадил қадам қўйилди. Мамлакатимиз раҳбарининг ташаббуси билан янги ташкилотга асос солинди. Унинг асосий вазифалари этиб эса бюрократия ва коррупцияни олдини олиш, халқимизнинг давлат органларига бўлган ишончини оқлаш қилиб белгиланди.

Бугунги кунда Давлат хизматлари марказлари аҳоли учун муҳим ва керакли бўлган давлат хизматларини олиши мумкин бўлган жойга айланишга улгурди.

Барчага маълум, ДХМларнинг асосий вазифалари қаторида фуқароларнинг давлат идоралари вакиллари билан алоқасини имкон даражада камайтирадиган тизимни яратиш. Буларни амалга оширишнинг асосий мезони эса — давлат идораларининг архив ҳужжатларини ра-

қамли кўринишга ўтказиш ҳамда давлат хизматлари кўрсатиш жараёнида зарур бўлган маълумотларнинг электрон тизимларини ташкил этишдан иборат.

Давлат хизматлари марказларида интернетга уланган компьютерлар ёрдамида марказларга ташриф буюрган фуқароларга, уларнинг хоҳишига кўра, электрон хизматлардан фойдаланиш тартиби тушунтирилмоқда. Электрон давлат хизматларидан фойдаланиш билим ва кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш бўйича жойларда маҳалла фуқаролари йиғинлари ҳамда таълим муассасалари масъул ходимлари учун «ДХМ—Маҳалла—Фуқаро» тамойили асосида маҳорат дарслари йўлга қўйилди.

Илм-фан ва техника ривожланиб бораётган ҳозирги кунда, имкон қадар қоғоз кўринишидаги ҳужжатлардан воз кечилмоқда.

Mobile ID мобил телефон орқали my.gov.uz портали ва бошқа кўпгина молиявий хизматларга телефонингиз орқали буюртма беришингиз ва тасдиқлашингиз мумкин ёки давлат хизматларидан мунтазам фойдаланишингиз мумкин.

Бундан ташқари, давлат хизматларини кўчага чиқмай, уйдан туриб олиш им-

кониятлари ҳам яна бир бор эслатилади. my.gov.uz, license.gov.uz ҳамда new.birdarcha.uz порталлари орқали уйдан чиқмаган ҳолда электрон давлат хизматларидан фойдаланиш мумкин.

Масалан, my.gov.uz орқали:

– санаторийларда даволаниш йўлнамасини олиш;

– масофадан туриб болани боғчага навбатга қўйиш ва навбатни текшириш;

– никоҳдан ўтишга онлайн ариза топшириш мумкин.

“Лицензия” ахборот тизими орқали лицензиялаш ва рухсат бериш ҳужжатлари учун ариза бериш, кабинет орқали ташкилотга тегишли маълумотларни олиш, лицензиялар реестридан маълумотлар излаш имкониятлари мавжуд. Биз ахборот технологиялари асрида яшаётимиз. Мамлакатдаги рақамлаштириш жараёни аҳоли ва фуқароларнинг давлат хизматидан онлайн тарзда фойдаланишнинг тақозо этади. Бунинг учун фойдаланувчиларда ахборот технологияларига оид билим ва кўникмалар бўлиши зарур.

Айниқса, бугунги кунда ҳар бир фуқарода мобил алоқа воситалари орқали интернет тармоғига уланиш ва зарур хизматлардан my.gov.uz сайти орқали мустақил равишда давлат хизматларини олиш имконияти бор. Ушбу имкониятдан фойдаланиш эса фақатгина тараққиётга хизмат қилади, деб айта оламиз.

Ж.ХОЛБАДАЛОВ,
туман Адлия бўлими Давлат хизматлари маркази директори



ДАВЛАТ АРБОБИ БЎЛГАН ШОИР

Заҳриддин Муҳаммад Бобур ўзбек адабиёти тарихида бетакрор рубоийлар, тарихий асарлари билан чуқур ўрин эгаллаган. Биргина “Бобурнома” асарининг ўзи нафақат Осиё давлатлари, балки Европа мамлакатларини ҳам лол қолдирди. Бобур қаламида ҳеч нимани яширмаслик, очик-ойдин ёритиш, тарихни улуғлаш каби сифатларни учратамиз. Рубоийларидаги Ватан соғинчи, юртга муҳаббат ҳар бир китобхон қалбидан жой олган. Теран мушоҳада, ички кечинмалар тасвири, ибратли хулосалар Бобур асарларининг ютуғидир.

Сен гулсану мен ҳақир бўлалдирман,
Сен шўъласен, ул шўълага мен қулдирмен.

Нисбат йўқдур, деб ижтиноб айламаким,
Шоҳмен эла, вале сенга гулдирмен.
Ушбу ғазал, сатрлар эгаси Бобурнинг бу кун юртимизда 540 йиллиги нишонланмоқда. Ишонч билан айтишимиз мумкинки, Бобур ёди яна 1000 йиллар қалбларда бўлади. Саросиё туманидаги 37-умумтаълим мактабида она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Шомуродова Садоқат томонидан шоҳ ва шоир Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг 540 йиллигига бағишлаб, маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Тадбир ўқувчиларда катта таассурот қолдирди. **Г.ШОМАТОВА,**
37-мактабнинг ММИБДЎ

ЯНГИ МЕҲНАТ КОДЕКСИ БЎЙИЧА ПЕДАГОГ ХОДИМЛАР МЕҲНАТИНИ ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТДАН ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

2023 йил 30 апрелдан кучга кирадиган янги таҳрирдаги Меҳнат кодексининг 501-моддасида педагоглар меҳнатининг ўзига хос хусусиятлари белгиланган.

Маъмур моддалар талабига кўра:

1. Умумий ўрта таълим ташкилотларининг, мактабга таълим ташкилотлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг бошқаруви ўқитиш ёки тарбиялаш билан беvosита шуғулланувчи педагог ходимлари ва бошқа ходимлари Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланадиган тартибда мажбурий тиббий кўрикдан ўтадилар.

Бунда тиббий кўрик ишга қабул қилиш босқичида, яъни дастлабки тарзда ва иш жараёни давомида, яъни даврий босқичларда ўтказилади.

2. Тегишли маълумотга, касбий тайёргарликка, маънавий-ахлоқий фазилатларга эга бўлган шахслар педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга

бўлади.

3. Педагог ходимларни олий таълим ташкилотларига кафедра мудири, профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент), стажёр-ўқитувчи лавозимларига ишга қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган низомга мувофиқ танлов асосида амалга оширилади.

4. Олий таълим ташкилотининг раҳбарига танлов ўтказилунига қадар кафедра мудири вакант лавозими бўйича вазифаларни бажаришни кафедранинг етакчи ўқитувчиларидан бирининг ёки тегишли факультет деканининг зиммасига юклатишга рухсат берилади.

5. Олий таълим ташкилотларига соатбай ҳақ тўланиши шартлари асосида ўқитувчилик ишига кираётган шахслар танловсиз, олий таълим ташкилоти раҳбарининг буйруғи билан ишга қабул қилинади.

Д.У.АЛМУРАТОВА,
Сурхондарё вилоят суди судьяси

БҮЮК СИЙМОЛАРНИ ЁД ЭТИБ...



БИЗ БҮЮКЛАР ИЗДОШЛАРИ, ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ!

Тупроғи гавҳарга тенг, ҳар тонги нурафшон бўлган Янги Ўзбекистоннинг бахтли фазанларимиз. Улуғ авлиёларга бешик бўлган бу заминнинг шонли тарихи ҳам буюқдир. Шундай ҳаёлларни мадҳ этиб Саросиё тумани 9-сонли ДМТТда буюк бобокалонларимиз Низомиддин Мир Алишер Навоий ҳамда Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг таваллуд айёми кенг нишонланди. Ташкилотимизнинг қувончу тантананага бой бўлган файзли ва шуқҳли фаоллар зали ўзгача руҳда безатилган, сокин наво остида дурдек терилган нодир асарлар ҳам ўша замоннинг нафасини элтгандек, гўё...

Ижодий кечамизда ташкилотимизнинг педагог ходимлари фаол иштирок этидилар. Бадий кечамизни очиб бериш учун сўз бошлаган ташкилотимизнинг масъулиятли фидойи раҳбари Гулрухсор Ахмаджоновна барча-барча иштирокчиларга омад тилаган ҳолда гўзал ғазал билан бошлаб бердилар. Бунда иштирокчи педагогларимиз зўр маҳорат билан баҳс-мунозараларга киришиб кетдилар.

Даврани ларзага келтирган ғазал, мухаммаслар, қитғалар, рубойилар, ғазаллар, мусаддас ва

мустаснелар баралла янгради. Буюк боболаримизнинг нурили ҳаёт ва ижод йўли билан янада ҳамнафас бўлиб 5 дostonни ўзига жамлаган “Хамса” асари ҳамда “Бобурнома”дан кўпгина маълумотларга эга бўлди. Барча-барчага завқ улашган бир-биридан қизиқарли шартлар, ғазалхонлик, айниқса, ўзгача шуқҳ олиб келди. Тадбиримиздан ўрин олган ташкилотимизнинг мусиқа раҳбарлари ижросида “Бинафшагинам” рақси барчага манзур бўлди.

Тадбиримизнинг фаол иштирокчи жамоаларини зимдан кузатган, ташкилот услубчилари С.Алиева, Д.Тошмуродовалар ҳам сўз бошлаб ҳар иккала жамоа аъзоларини қутлаб муносиб баҳоладилар.

Буюк аждодларнинг издошлари бўлган педагогларимиз тантанали равишда тақдирландилар.

Ҳа, азизларим, ҳеч бир инсон йўқки, буюк тарихи ва нури келажagini мадҳ этмаса, жондан севмаса. Бизлар ана шундай даҳолар авлоди эканлигимиздан фахрланамиз.

Фотима АБДУРАХМОНОВА,
9-сон МТТ мусиқа раҳбари



Har qanday davlatning tarixi — bu, birinchi navbatda, unda yashaydigan xalqning tarixi, aholisining soni va tarkibi, uning iqtisodiy va ijtimoiy tavsiflarida oʻz ifodasini topadi. Aholi soni boʻyicha aniq va yaxlit maʼlumotlar aholini roʻyxatga olish asosida olinadi.

Aholini roʻyxatga olish yakunlariga qarab oʻtmish va hozirgi davr haqida fikr va mulohazalar yuritish hamda kelajakni prognoz qilish mumkin boʻladi.

Qator holatlarda aholini roʻyxatga olish — aholining yoshi, jinsi, milliy tarkibi, maʼlumot darajasi, nikoh holati, bandligi va boshqa tavsiflari haqida maʼlumotlar olishning yagona manbai boʻlib xizmat qiladi.

Bu tadbirga nafaqat statistika organlari xodimlari, balki respublikaning boshqa davlat va xoʻjalik boshqaruvi organlari ham aholini roʻyxatga olish ishlarida bevosita ishtirok etadilar. Jumladan: Oʻzbekiston Respublikasi Yer resurslari, geodeziya, kartografiya va davlat kadastri boʻyicha davlat qoʻmitasi aholini roʻyxatga olish tadbirini oʻtkazish uchun zarur boʻlgan miqdorda kartografik materiallarning (shahar va qishloq aholi punktlarining sxematik rejas, maʼmuriy tumanlar xaritasi) tayyorlanishini taʼminlaydi.

Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi “Oʻzarxiv” agentligi aholini roʻyxatga olish varaqalarini va boshqa hujjatlarni saqlash boʻyicha ishlarni muvofiqlashtiradi, shuningdek, aholini roʻyxatga olishning yigʻma hujjatlarni qayta ishlanganidan soʻng doimiy saqlanishini yuritadi.

Oʻzbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi quyidagilarni amalga oshiradi: aholini roʻyxatga olishga jalb etilgan shaxslarning toʻliq xavfsizligi va roʻyxatga olish materiallarining saqlanishini taʼminlaydi;

roʻyxatga olishni oʻtkazish davrida aholini roʻyxatga olish organlarining binolari va yuklarini qoʻriqlashni amalga oshiradi;

aholini roʻyxatga olish organlari bilan birgalikda, roʻyxatga olishni oʻtkazish uchun zarur maʼlumotlarni berishdan bosh tortgan yoki korxona va tashkilot hududiga kiritishga oʻziga qilingan shaxslarga nisbatan maʼmuriy taʼsir choralari koʻrishi mumkin.

AHOINI ROʻYXATGA OLISH TARTIBI, MOHIYATI VA UNING ISTIQBOLLARI

Bundan tashqari, Qoraqalpogʻiston Respublikasi Vazirlar Kengashi, viloyatlar va Toshkent shahar hokimliklari, tumanlar (shaharlar) hokimliklari zimmalariga ham bir qator vazifalar yuklatilgan boʻlib, ular quyidagilarni amalga oshiradilar:

roʻyxatga olish tadbiriga jalb etilgan shaxslarning oʻqishi va ishlashi uchun yaroqli boʻlgan mebellar va aloqa vositalari bilan jihozlangan vaqtinchalik binolar hamda aholini roʻyxatga olish varaqalari va boshqa hujjatlarni vaqtinchalik saqlash uchun qoʻriqlanadigan binolar ajratadi;

aholini roʻyxatga olish uchastkalarini zarur transport va aloqa vositalari bilan taʼminlaydi; davlat kadastri va davlat statistika organlari bilan birgalikda, doimiy yashovchi aholi sonini koʻrsatgan holda aholi punktlarining toʻliq roʻyxatini tuzadilar.

Aholini roʻyxatga olish tadbiriga tayyorgarlik koʻrish va oʻtkazish boʻyicha alohida ishlar jalb etilgan pudrat tashkilotlari tomonidan mahsulotlar va xizmatlar sotib olish boʻyicha oʻtkazilgan tanlov asosida bajariladi, yaʼni: aholi oʻrtasida axborot-tushuntirish ishlarni oʻtkazish; kartografik materiallarni chop etish; roʻyxatga olish materiallarini chop etish; moddiy-texnik taʼminlash; roʻyxatga olish materiallarini tashish; texnologik-loyiha ishlarini oʻtkazish va dasturiy taʼminotni ishlab chiqish; roʻyxatga olish varaqalari maʼlumotlarini kiritish, avtomatlashtirilgan holda qayta ishlash va boshqalar.

Aholini roʻyxatga olish tadbiriga tayyorgarlik koʻrish va oʻtkazishga koʻmaklashish uchun zarur holdarda qoʻshimcha ravishda boshqa vazirliklar, idoralar, tashkilotlar, yuridik va jismoniy shaxslar jalb etilishi mumkin.

Xoʻsh, respublikamizda aholini roʻyxatga olish tadbirini oʻtkazish bizga nima beradi?

Birinchidan, maʼlum bir sanada aholining aniq soni (yoshi va jinsi tarkibi, fuqaroligi, milliy tarkibi (keng qamrovli), barcha aholi punktlari boʻyicha soni, oilaviy ahvoli, maʼlumot darajasi, uy-joy

bilan taʼminlanganlik darajasi, mehnat resurslari, iqtisodiy faol aholi, aholi bandligi (kasbi va mutaxassisligi) va ishsizligi, daromad olish manbalari, nogironligi boʻyicha batafsil maʼlumot olinadi.

Ikkinchidan, aholi jon boshiga makroiqtisodiy koʻrsatkichlarni hisoblashda (yalpi ichki mahsulot, aholi daromadlari, sanoat mahsuloti hajmi, isteʼmol mahsulotlari hajmi, aholiga koʻrsatiladigan xizmatlar hajmi, qishloq xoʻjaligi mahsulotlari) ishlatiladi.

Uchinchidan, aholi migratsiyasi toʻgʻrisidagi maʼlumotlar shakllantiriladi.

Toʻrtinchidan, Respublika va hududlarni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish, aholi bandligi, ayollar va bolalar salomatligini yaxshilash va oilalarga yordam koʻrsatish boʻyicha dasturlarni manzilli ishlab chiqishda axborot sifatida foydalaniladi.

Beshinchidan, statistika idoralari tomonidan tashkil etiladigan tanlama kuzatuvlarni tashkil etishda maʼlumotlar bazasi sifatida qoʻllaniladi.

Oltinchidan, Milliy barqaror rivojlanish maqsadlarini amalga oshirish koʻrsatkichlarini shakllantirish va monitoringini yuritishda xizmat qiladi.

Yettinchidan, aholi punktlarining infratuzulmasini yaxshilashda, mehnat resurslaridan foydalanish va joylashtirish boʻyicha qisqa, oʻrta va uzoq muddatli prognozlar, dasturlarni ishlab chiqishda foydalaniladi.

Sakkizinchidan, Xalqaro tashkilotlar va foydalanuvchilar tomonidan amalga oshiriladigan tahlillar uchun keng qamrovli axborotlar manbai hisoblanadi.

Bunday maʼlumotlar ijtimoiy-iqtisodiy jarayonlarni prognoz qilish, bandlik sohasidagi siyosatni belgilash, ijtimoiy siyosat va aholi salomatligi boʻyicha dasturlarni yaratishda, shuningdek davlat hokimiyati organlarining vazifalarini bajarishi, fan va jamiyatni axborot bilan taʼminlash uchun zarurdir.

O.I.KOSIMOV,

Sariosiyo tuman statistika boʻlimi boshligʻi

СУВ – БЕБАҲО НЕЪМАТ!

/Давоми, боши 1-бетда/

17-моллада ичимлик суви таъминоти ташкилотларининг жавобгарлиги

Ичимлик суви таъминоти ташкилотлари: -қонунчиликка ҳамда шартнома шартларига мувофиқ ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича истеъмолчиларга сифатли хизматлар кўрсатмаганлик;

-ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тармоқларига белгиланган тартибда улашиш учун техник шартларни истеъмолчиларга ўз вақтида тақдим этмаганлик;

-истеъмолчиларни сувни ҳисобга олиш асбобларини белгиланган муддатларда текширувдан ўтказиш ҳақида огоҳлантирмаганлик;

-истеъмолчининг ҳаётига, соғлиғига ҳамда мол-мулкига моддий ва маънавий зарар etkazganlik;

-ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тизимларининг техник ҳолати учун ичимлик суви таъминоти ташкилотларининг фойдаланишига доир жавобгарлиги чегаралари доирасидаги аварияларни ўз вақтида бартараф этмаганлик;

-қонунчиликка ва шартнома шартларига мувофиқ ичимлик суви таъминоти ташкилотларининг зиммасига юклатилган бошқа мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгар бўлади.

18-молдасида истеъмолчилар қуйдаги ҳуқуқларга эга:

-ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматларнинг узлуксиз ва хавфсиз кўрсатилишини, шунингдек ўз ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига хавф туғдирмайдиган сифатта ва миқдорга эга бўлган ичимлик суви берилишини шарт-нома шартларига мувофиқ талаб қилиш;

-ичимлик суви таъминоти ташкилоти шартномада кўрсатилган ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда, жарималар (пенялар) ва бошқа тўловлар тўлаишини қонунчиликка мувофиқ талаб қилиш;

-ассосиз равишда ундирилган тўловлар-

нинг қайтарилишини ичимлик суви таъминоти ташкилотидан талаб қилиш;

-ичимлик суви таъминоти ва (ёки) оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар учун тегишли тўловларни тўлиқ тўлаган ҳолда шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш;

-ичимлик сувининг сифати тўғрисидаги ахборотни ҳамда ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича кўрсатилган хизматлар учун қарздорлик ҳақидаги маълумотларни ичимлик суви таъминоти ташкилотидан бепул олиш.

Истеъмолчилар қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

19-молда. Истеъмолчиларнинг мажбуриятлари

Истеъмолчилар:

-ичимлик сувидан оқилон ва тежамкорлик билан фойдаланиши;

-ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар учун тўловни ўз вақтида амалга ошириши;

-ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар кўрсатганлик учун тарифлар ошган тақдирда, олдиндан тўланган тўловнинг қайта ҳисоб-китобини амалга ошириши;

-ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тармоқларидаги, иншоотларидаги авариялар ёки шикастланишлар, ичимлик сувини ҳисобга олиш асбобларидаги ва уларнинг пломбаларидаги шикастланишлар тўғрисида ичимлик суви таъминоти ташкилотини хабардор қилиши;

-ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тармоқларидаги техник ҳолат учун истеъмолчиларнинг фойдаланишига доир жавобгарлиги чегаралари доирасидаги аварияларни ўз вақтида бартараф этиши;

-сувни ҳисобга олиш асбобларининг аниқ кўрсаткичларини ичимлик суви таъминоти ташкилотларига ўз вақтида тақдим этиши;

-ишлаб чиқариш оқова сувларидаги инфоантирувчи моддаларнинг локал тозалаш иншоотларида белгиланган нормативларга қадар тозаланишини таъминлаши;

-ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлардан фойдаланиш учун рухсат этилган нуқталарга улаиши шарт.

Истеъмолчиларнинг зиммасида қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

25-моллада ичимлик суви эпидемиологик, радиациявий ва кимёвий жиҳатдан хавфсиз бўлиши кераклиги кўрсатилган.

Жисмоний шахслар билан тузилдиган шартнома муддатсиздир деб кўрсатилган ҳамда **39-моллада** ичимлик суви қуйдаги ҳолларда транспортда etkazib берилди:

-ичимлик суви таъминоти ташкилотининг тармоқлари мавжуд бўлмаган ҳудудларга;

-ичимлик суви қувурларидаги ва ичимлик суви таъминоти тармоқларининг бошқа иншоотларидаги авариялар чоғида;

-ичимлик суви таъминоти тармоқларида таъмирлаш-тиклаш ишлари амалга ошириладиганда;

-фавқулодда вазиятларда;

-қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Ичимлик сувини транспортда etkazib бериш санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига, давлат стандартларига мувофиқ амалга оширилади деб белгиланган.

Фуқароларимиздан ушбу қонунни батафсил ўқиб чиқишларини ва ушбу қонунга амал қилишларини сўраб қоламиз. Ичимлик сув таъминоти корхоналари ва фуқаролар томонидан ушбу қонун ва қонун ости ҳужжатларига амал қилмаслик Сувинспекция томонидан МЖТКнинг тегишли моддаларига асосан базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан йигирма беш бараваригача жаримага тортилишига сабаб бўлади.

Ҳурматли ҳамюртлар, ичимлик суви таъқиқлиги тобора ортиб бораётган замонда яшашган эканмиз, барчамиз бурч ва масъулиятни чуқур ҳис қилган ҳолда ичимлик сувини асраб авайлашимиз, бу бебаҳо неъматнинг келажак авлодларимизга етиб боришида ҳамда ичимлик сув etkazib бериш хизматларини янада тақомиллаштиришга ўз ҳиссамизни қўшмоғимиз даркор.

Ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси Сурхондарё вилоят ҳудудий инспекцияси



АЖДОДЛАРНИ ЭСЛАБ...

2-сон ДМТТ тарбиячилари Ф.Норова, З.Махмудова, З.Бўриева Г.Рахматкулова, Б.Темирова, Э.Шокирова, Н.Мирзаева, М. Исмоилова, М.Халимова, З.Бердиева ва мусиқа раҳбари Ш.Набиев лар бошчилигида ўтказилган А.Навойи ҳамда З.М.Бобурнинг ижодидан ғазаллар, рубойилар, ҳикматли сўзларидан парчалар ўқидил.

МА'NAVIYAT VA JAMIYAT

Ma'naviyat va jamiyat bir-birlari bilan mustahkam bog'langandir. Ma'naviyat insonning ruhiyati, o'zini-o'zi anglashi, yuksaklikka intilishidagi salohiyati bo'lsa, "Milliy istiqlol g'oyasi; asosiy tushuncha va tamoyillar" konsepsiyasida ko'rsatilishicha "Mafkura-muayyan ijtimoiy guruh, qatlam, millat, davlat, xalq va jamiyatning ehtiyojlari, maqsad-muddalari, manfaatlari, orzu-intilishlari hamda ularni amalga oshirish tamoyillarini o'zida mujassam etadigan g'oyalar tizimidir"

Ma'naviyatning jamiyat, millat, shaxs va fuqaro hayotidagi ana shunday muhim ahamiyatini hisobga olib, istiqlolimizni qo'lg'a kiritgan ilk kunlardan boshlab, biz milliy g'oyamizning eng asosiy tushuncha va tamoyillarini belgilab olish va ishlab chiqarishga harakat qilgik.

O'zbekiston demokratik jamiyat qurishdagi tutgan o'rni va ahamiyatini bayon qilib berganligini alohida takidlash joiz. Ma'naviyat har qanday jamiyat hayotida zarur. Ma'naviyati bo'lmas odam, jamiyat, davlat o'z yo'lini yo'qotishi muqarrar. Darhaqiqat, qayerdaki, ma'naviy bo'shliq vujudga kelsa, o'sha yerda begona mafkura hukmronlik qilishi tayin. Zero, buni har bir inson, O'zbekiston fuqarosi chuqur anglashi, mag'zi-mag'ziga yetib olishi kerak. Negaki, jamiyatning, jamiyat a'zolarining mustahkam va ravshan mafkurasi, g'oyasi, maqsadi bo'lmasa, inqirozga yuz tutadi. Insoniyat tarixida davlat va jamiyatlar paydo bo'libdiki, ularga egizak holda mafkuraviy qarashlar ham shakllangan. Boisi — ma'naviyatsiz davlat yoki jamiyat bamosoli hech bir maqsad-rejasiz, tavakkal qilib yo'lga chiqqan odamga o'xshaydi. Darhaqiqat, yo'lga chiqdingmi-manzil, maqsad aniq bo'lmog'i kerak. Har bir xalq o'z oldiga qo'yg'an ulug'vor maqsadlarga erishishda milliy g'oyaning ahamiyati nechog'liq muhim ahamiyatga ega ekanligini chuqur anglamog'imiz kerak.

O'zbekiston jamiyatning milliy istiqlol mafkurasi, o'z mohiyatiga ko'ra, xalqimizning asosiy maqsad-muddaolarini ifodalaydigan, uning o'tmish va kelajagini bir-biri bilan bog'laydigan, asiy orzu-intaklarini amalga oshirishga xizmat qiladigan g'oyalar tizimidir.

Mustaqillik bizni porloq rivojlanish imkoniyatlariga ega qildi. Xalqimiz katta orzu-maqsadlar va intilishlar bilan yashayabdi. Huquqiy davlat, adolati fuqarolik jamiyat-oldimiza turgan nafariyatman manzildir. Ammo, bu manzillar o'z-o'zidan dunyoga kelmaydi, zero, yangi jamiyat yuksak darajada rivojlangan ongini, ma'naviy kamolotni yanada baland bosqichga ko'tarilishini taqazo etadi.

Risolat KO'CHKINOVA



BILASIZMI?

Ish staji yetarli bo'lmasa ham pensiya tayinlanadimi?

O'zbekiston Respublikasining "Fuqarolarning davlat pensiya ta'minoti to'g'risida"gi Qonunining 7-moddasiga ko'ra, yoshga doir pensiya olish huquqiga:

-erkaklar — 60 yoshga to'lganda va ish stajlari kamida 25 yil bo'lgan taqdirda;

-ayollar — 55 yoshga to'lganda va ish stajlari kamida 20 yil bo'lgan taqdirda ega bo'ladi.

Agar pensiya tayinlash uchun yetarlicha ish stajiga ega bo'lmagan shaxslarga yoshga doir pensiyalar ushbu Qonun 37-moddasi birinchi qismining "a", "b", "v" va "g"

bandlarida nazarda tutilgan kamida 7 yil ish staji mavjud bo'lgan taqdirda, bor stajga mutanosib miqdorda (29-modd) tayinlanadi.

Baxrom SUYONOV,
tuman Adliya bo'limi Davlat xizmatlari markazi bosh mutaxassisi

Захириддин Муҳаммад БОБУР

ШУД АЙЁМИ БАҲОРУ ГУЛ...

*Шуд айёми баҳору гул, нишоти ҳар ҷавон бошад,
Шароби ноб деҳ, соқӣ, ки ишрат ин замон бошад.*


*Ғаҳе домони саҳро мешавад аз лолаҳо гулгун,
Ғаҳе саҳни чаман аз чехраи гул аргувон бошад.*

*Зи ранги гул мунаққаш мешаванд инак, чаманзорон,
Магар наққоши олам рангро дар имтиҳон бошад?*

*Рухат, эй сарв, гардад полазори гулшани чонам,
Қадат, эй гул, ба боги умр чун сарви равон бошад.*

*Ба ҳар ҷо бошӣ, эй гул, чони Бобур низ дар он ҷост,
Ғарибатро тараҳхум менамо, к-аз Андиҷон бошад.*

Тарчумаи Хусрав



СУЛТОН СОДОТ: ЗИЁРАТГОҲИ БА ДИЛҶО НАЗДИК

Маҷмӯаи Султон (Саодат) Содот, ки дар наздикии шаҳри Тирмиз ҷойгир шудааст, ёдгории нодири меъмории сайидони ин воҳа буда, дар асрҳои Х-XVII бунёд ёфтааст.

Вақте калимаи Султон Саодат аз забони арабӣ тарҷума мешавад, маънояш Султони хушбахтор дорад. Сарони сайидони Тирмиз тӯли асрҳо бо унвони Султонги Содот-Султани сайидҳо қадр карда шудаанд. Ҳарду истилоҳ ба ҷойи ҳамдигар истифода шудаанд.

Аз рӯи гуфтаҳои олимони қисми авали мақбара дар дав-

асосгузори хонадони сайидиёни Тирмиз Ҳасан-ал-амир хобидааст. Аввало дар тарафи ҷанубу ғарбӣ маҷмӯа 2-то қабр барои карда шуда, дар он қабрҳои қадимаро низ ҷой додаанд.

Дар олами исломии он шарчаи эътирофшуда ба Ҳазрати пайғамбарамон (с.а.в.) дахл-дор аст. Хусусан писари Ҳазрати Алий аз Биби Фотима таваллуд шуда, ба духтари шоҳи охири Сосониён Язидгирд хонадор мешавад. Аз фарзанди онҳо Алий Хусайн ал-Аскари аз ӯ бошад, Убайдуллоҳ ба дунё меояд. Фарзанди Убай-

даврии Темуриён сайидони Тирмиз “хонзода” дар нимаи дувуми асри XV бошад ба унвони “мирзо” шарафёб гардидаанд. Хамин тавр, онҳо ба ғайр аз ному насаби худ бо куния, тахаллус ва унвонҳои Мусавӣ, Алаӣ ном бурда мешуданд.

